Шартнома № 4

"05" 09 2022 йил **Тошкент шаҳар**

Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази бундан буён бир томондан **"Ҳаридор"** деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан **"Go'zal ishonch mebel"** хусусий корхонаси Низоми асосида иш юритувчи рахбари А.Қўчқоров бундан буён **"Сотувчи"** деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. **"Сотувчи"** ўзида ишлаб чиқарилган махсулот ёки товарни сотиш, **"Ҳаридор"** эса қабул қилиб олинган махсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.
1.2. **"Сотувчи" "Ҳаридор"**га қуйидаги миқдор ва ассортиментда товар етказиб беради.

№	Товар (махсулотлар)номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	ККС	Етказиб бериш ККС билан
						15%	
1	Стол президиум МДФ, ЛДСП (4000*800*750)	Дона	1	12 347 826,09	12 347 826,09	1 852 173,91	14 200 000
2	Кресло активн. Зал 3 ўриндиқли метал каркасли ярим юмшоқ (900*1650*650)	Тўплам	28	3 652 173.91	102 260 869.57	15 339 130.43	117 600 000
3	Ёзув столи (1800*400*750)	Дона	12	2 521 739.13	30 260 869.57	4 539 130.43	34 800 000
4	Стул п/м для президума қаттиқ ёғоч материалидан (520*500*500/650)	Дона	6	1 565 217.39	9 391 304.35	1 408 695.65	10 800 000
5	Гардероб кийим ечиш учун (2000*1100*400)	Дона	5	2 782 608.7	13 913 043.48	2 086 956.52	16 000 000
6	Трибуна (1300*500*500)	Дона	1	4 869 565.22	4 869 565.22	730 434.78	5 600 000
	ЖАМИ:				**173 043 478.26**	**25 956 521.74**	**199 000 000**

1.3. Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси 199 000 000 (бир юз тўқсон тўққиз миллион) сўмни ташкил этади.

2. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

2.1. **"Ҳаридор"** товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, махсулот (кўрсатилган хизмат)нинг 30 фоизи миқдорида пул маблағини ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.
2.2. Қолган 70 фоиз **"Ҳаридор"** махсулотни тўлиқ қабул қилиб олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида ҳисоб фактурага асосан тўлаб беради.
2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

2. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

3.1. **"Сотувчи"** мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 90 кун муддат ичида **"Ҳаридор"**нинг тақсимотига асосан жойларга етказиб бериши шарт.

4. ТОВАР СИФАТИ.

4.1. Етказиб берилаётган товар ёки махсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва **"Ҳаридор"**нинг талабларига мос келиши шарт.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. **"Сотувчи"** мажбуриятлари:
- шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда ўз вақтида **"Ҳаридор"**га товарни етказиб бериш;
- шартноманинг шартлари **"Ҳаридор"** томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш хуқуқига эга;
- тегишли даражада сифатли махсулот юбормаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг иккинчи бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.
- **"Сотувчи"** етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш лозим.

5.2. **"Ҳаридор"**нинг мажбуриятлари:
- **"Ҳаридор"** шартномада белгиланган талабларга риоя қилган холда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақда 3 кун ичида **"Сотувчи"**ни огоҳлантириш;
- тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

6.2. **"Сотувчи"** томондан **"Ҳаридор"**га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,5 % миқдорида **"Ҳаридор"**га пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий миқдорни етказиб берилмаган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6.3. Шартнома талабларида кўрсатилган, белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашга сабаб бўлади.

6.4. **"Ҳаридор"** томонидан қабул қилиб олинган товар бойликларни суммасини ўз вақтида тўламаган холда айибдор томон ушбу махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашга сабаб бўлади.

6.5. **"Ҳаридор"** томонидан олинган товар ёки махсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида **"Сотувчи"**га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ошмаслиги керак.

7. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай холатлар тегишлидир.
7.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.
7.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўлган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низолар иктисодий суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида хал қилинади.
8.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.
8.3. Ушбу шартнома 2022 йил «05» 09 дан 2022 йил «31» декабргача тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

"Сотиб олувчи"	"Ишлаб чиқарувчи"
Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази	**Етказиб берувчи: "Go'zal ishonch mebel" хусусий корхонаси**
Манзил: Тошкент шахар, Олмазор тумани Шифокорлар-2, 7М уй	**Манзил:Фаргона в Кува т Тахтакуприк 65уй**
	Тел:+(99890) 580-63-13
Тел:	**Хисоб раками: Х/Р: 20208000600294589001**
Л/С: O'ZB. RESP. SSV SUD TIBBIY EKSPERTIZA	**Банк номи: Кува ДТ Халк банки**
ШХР: JLMIY-AMALIY MARKAZI Shifokorlar-2, 7 m-uy SH/X:1000108602628070749200540 02	**МФО: 00799 ИНН: 302886296**
ИНН: O'z Resp. Moliya Vazirligi Gaznachiligi INN: 201 248 301 IFUT: 86900 X/r: 23402000300100001010 MFO: 00014 Bank: MB RB YKKM	**ОКОНХ: 15271**
Рахбар _____ (имзо)	Рахбар _____ (имзо)
М.Ў.	М.Ў.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг

Давлат Хариди бўйича Комиссиясининг Йиғилиш

БАЁННОМАСИ № 1

Тошкент шаҳар 25. 08. **2022йил**

Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги конунига мувофиқ ва тугрик комплекснинг 2022 йил 06 январ №118-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия таркиби:

Йиғилиш раиси: 1. Д.Э.Қуралбаев
Йиғилиш котиби: А.М.Хамдамов

Давлат харидлари бўйича комиссия аъзолари:

2 Х.И.Примухамедова
3. Ш.Ш.Ядгарова
4. Д.М.Қурбонова
5. Й.У.Қаюмова иштирокида Давлат Харидлари бўйича комиссия йиғилиши ўтказилди.

Кун тартиби:

1.Комиссия D-харид электрон порталининг **"Энг яхши таклифлар"** бўлимига 2022 йил 22 августда 199 240 000 сўмга Лот № 135524 орқали қўйилди. Охирги муддати 2022 йил 31 август куни 5 кунлик белгиланган муддат тугаган кун. Марказнинг йигилишлар залига мебеллар билан жихозлаш, хизматларини курсатиш бажариш ва етказип бериш бўйича хизматларини таъминловчи ташкилотни аниқлаш бўйича **"Энг яхши таклифлар"** хужжатларини ўрганиш, муҳокама қилиш ва **"Энг яхши таклиф"** ғолибини аниқлаш масаласи.

2.Қуйидаги учта корхоналарнинг ҳужжатлари тақдим этилган:

2.1	GO'ZAL ISHONCH MEBEL ХУС КОРХ	199 000 000 сум
2.2.	ООО ASAKA NAFIS MEBELLARI	199 480 000 сум
2.3.	" ЧП MARVARID MEBELLAR MAJMUAS "	179 000 000 сум

ЭШИТИЛДИ:

1.Йиғилиш раиси К.З.Низамутдинов сўзга чиқиб конкурсга ҳужжатлар тақдим этилганини ва бу **." GO'ZAL ISHONCH MEBEL ХУС КОРХ" ва СП "ООО ASAKA NAFIS MEBELLARI"** корхоналари томонидан конкурс ҳужжатлари топширилганини маълум қилади.

2.Йиғилиш котиби И.И.Амонов Давлат харидлари эл.портал" талаблари ҳақида маълумот берди ва техник топшириқлар асосида комиссия аъзолари томонидан тақдим этилган юқорида кўрсатилган корхоналарнинг ҳужжатлари ўрганилиб мухокама қилинди.

СЎЗГА ЧИҚИЛДИЛАР: Комиссия аъзоларидан А.А.Адилова сўзга чиқиб, **D-харид** электрон порталининг **"Энг яхши таклифлар"** бўлимида иштирок этаётган ҳар учала корхонанинг, хужжатлари ўрганиб чиқилиб, икки кунлик мухокамадан сўнг корхона ташкилотлардан хеч кандан этирозлар булмади хамда икки кунлик мухокамадан сунг

Таклифлар ва талаблар ўрганиб чиқилди ва ушбу кўрсатилган хизмат учун " GO'ZAL ISHONCH MEBEL " корхонасининг тижорат таклифи бошқа корхоналарга нисбатан талаб этилган ҳужжатлар барчаси мавжудлигини инобатга олган ҳолда, ушбу корхона голиб деб топилди хамда шартнома тузишни таклиф қилинди.

Таклифлар овозга қўйилди:

Таклифлар овозга қўйилди:
“Ҳа” овоз учун – 5 аъзо овоз берди.
“Қаршилар” йўқ
“Бартарафлар” йўқ
Бир овоздан қабул қилинди.

ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Давлат харидлари бўйича тузилган комиссия аъзолари иштирокчилар орасидан " GO'ZAL ISHONCH MEBEL ХУС КОРХ " mas`uliyati cheklangan jamiyati корхонасининг хужжатлари ўрганиб чиқилиб, юқоридаги кўрсатилган таклифларни инобатга олиб, ушбу корхона билан 199 000 000 сум шартнома тузишга қарор қилди.

Раис: 1. Д.Э.Қуралбаев _____
2. А.М.Хамдамов _____
3. Х.И.Примухамедова _____
4. Ш.Ш.Ядгарова _____
5. Д.М.Қурбонова _____
6. Й.У.Қаюмова _____

ЮРИДИК ХУЛОСА

05.09.2022 йил Тошкент шаҳри

Мен, РСТЭИАМ юрисконсульти 3 -даражали юрист У.Т. Алимухамедова У.Т. менинг эътиборимга тақдим этилган хужжатлар ўрганиб чиқилганида қуйидагилар аниқланди:

22.08.2022 йилдаги 4-сонли шартнома лойиҳаси, Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 135524 на приобретение РСПЦСМЭ учунмебель жихозлари, Техник топшириғи, Энг яхши талифни танлаш учун хужжат мебель жихозлари Ўзбекистон Республикаси **Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида** Қонуни (29.08.1998 йилдаги 670-I-сон) талабларига мувофиқ ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси **Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида** Қонунини 21 моддасига асосан, РСТЭИАМ юридик хизмати томонидан

АНИҚЛАНДИ:

хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар амалдаги цивилистика қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади;

хўжалик шартномаси шартларининг қонунчилик талабларига мос келади;

тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонунчилик талабларига мос келади.

3 -даражали юрист У.Т. Алимухамедова